



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзбек геология кидирув” АЖ

Бошқарув раиси

Ш.П.Алимов

2024 йил “ 5 ” апрель

**Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
биносида ўтказилган семинар
1 - сонли БАЁНИ**

2024 йил 04 апрель

Тошкент шаҳри

Маърузачилар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
масъул ходимлари

Жамиятдан қатнашганлар: Жамият раҳбари, Коррупцияга қарши ички
назорат бўлими ходим ва жойлардаги масъуллар,
таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бўлим
бошлиқлари жами 15 нафар.

Семинар мавзуси.

**Ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тушунтириш
ишларини олиб бориш, уларда коррупцияга нисбатан муросасиз
муносабатни шакллантириш.**

Семинарда маърузачи томонидан дастлаб коррупция, манфаатлар тўқнашуви,
коррупциявий ҳолатлар ва шу каби атамаларга қисқача тўхталиб ўтилди:

“Коррупция” атамаси “бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига
оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruption” сўзидан келиб
чиққан;

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий
манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки
номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди
шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиши тушунилади;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган,
содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган
қилмиши тушунилади;

Манфаатлар тўқнашуви бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик
шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига
таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий
манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келади деган ёхуд юзага
келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир, шунингдек аффилиланганликнинг
мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ЎРҚ-419-сонли қонун мазмун моҳияти яна бир бор Бош прокуратура ходимлари томонидан тушунтириб берилди.




Шунингдек маърузачи томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги янгиликлар ва қўйилган қонун ўзгаришлари, Коррупциявий ҳолатлар учун жазо чораларининг янада кучайтирилиш ҳамда бу иллатга йўл қўймаслик бўйича геология тармоғи ходимларидан ўз мансаб лавозимларида сидки дилдан меҳнат қилишлари сўралди.

Жиноий ва маъмурий жавобгарлик бўйича қонунлар эслатилди


1. **Жиноий жавобгарлик** (Жиноят кодексининг 167, 205, 209, 210-моддалари);
2. **Маъмурий жавобгарлик** (МЖТКнинг тегишли моддалари);
3. **Интизомий жавобгарлик.**

Бош прокуратура ходимлари томонидан ўнлаб иштирокчиларни қизиқтирган саволларига қонуний ва асосли жавоблар берилди.

**Коррупцияга қарши ички
назорат бўлими бошлиғи**

 **Д.Саидахборов**

**Коррупцияга қарши ички нazorat
бўлим бош мутахассиси**

 **Қ.Мажидов**